

# International Civil and Commercial Law Centre

ICCLC

## Халқаро фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи маркази фонди

1996 йил апрелда ташкил этилган

International Civil and Commercial Law Centre International

Халқаро фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи марказлари фонднинг (ICCLC) ташкил этилишига олиб келган шароитлар

## Халқаро фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи марказлари фонднинг (ICCLC) ташкил этилишига олиб келган шароитлар

Осиё ва унинг атрофидаги мамлакатлар, айниқса, ЯСД (янги саноатлашган давлатлар) ва Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) таркибига кирувчи давлатлар иқтисодий ўсиш ва глобаллашувда мисли кўрилмаган натижага эришдилар. Бирок “совук уруш” тугайдан бери бозор иқтисодиётига ўтиш ва ўзининг жаҳон бозоридаги ўрнини кенгайтириш ҳаракат қилиб келаётган бир нечта давлат қолди.

Баъзи ҳолларда, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ўз халқаро иқтисодий фаолиятини кучайтириш йўлидаги уринишларида баъзи қийинчиликларга дуч келишлари мумкин, чунки уларнинг фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи тузилмалари тизимли тарзда ривожланмаганлиги ҳамда талаб этиладиган ноу-хау ва инсон ресурслари етишмаслиги туфайли уларнинг ҳуқуқ тизими тўғри ишламайди. Бундай давлатларнинг баъзилари ўзларининг ҳуқуқий инфратузилмасини ривожлантириш учун ўз ҳукумати орқали кўмак ва ёрдам олишга интиломқдалар.

Бу мамлакатларда халқаро иқтисодий фаолиятни кучайтиришнинг зарур ий шарт ҳисобланган фуқаролик ва тижоратга оид қонунларни ҳамда самарали умумий ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш бу давлатлар равнақига ҳисса қўшади, деб ҳисобланади ва бу бизнинг давлатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ЯСД ва АСЕАН давлатлари ҳақида сўз кетганда, ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими ҳамда унинг қўлланилиши борасидаги тушунчаларни биргаликда ҳамфирк бўлиб ишлаб чиқишимиз ва орқали иқтисодий алоқаларни ҳамда икки томонлама ривожланишни янада кучайтириш ва бунга шароит яратиш мақсадида халқаро иқтисодий фаолият учун янада самарали ҳуқуқ тузилмасини яратиш борасида икки томонлама изланиш ва тадқиқотларни амалга оширишимиз, мақсадга мувофиқдир.

Шунга қўра, бу ташкилот ушбу давлат ҳукумати билан ҳамкорликда халқаро иқтисодий фаолият учун ҳуқуқий тузилмалар борасида ўзаро ҳамфирклиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади бундай давлатларга уларнинг ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда давлатимизда айна тизимда йиллар давомида тўпланган тажриба ва ноу-хауларнинг амалиётда қўлланилиши масалаларини таништириш орқали ёрдам беришдан иборат.

### ● ICCLC тарихи

1996 йил	28 март	таъсисчи аъзоларнинг йиғилиши
	16 апрель	ICCLC нинг ташкил этилиши Адлия вазирлиги томонидан маъқулланиши
	24 апрель	ICCLC нинг ташкил қилинишини рўйхатга олиш учун ариза топширилиши
	22 май	Кенгашнинг илк йиғилиши ва очилиш маросими ўтказилди

1998 йил	16 июль	Адлия вазирлиги томонидан махсус давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи корпорация сифатида тасдиқланди
----------	---------	---

2012 йил	6 июль	Қайта тузилди
2013 йил	1 апрель	“Давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи корпорация”нинг рўйхатга олинishi

# 1 Ҳуқуқ тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтаётган Осиё давлатлари ҳуқуқ тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун Япониянинг грант ёрдамлари дастури таркибига кирувчи лойиҳаларни амалга оширади.

ЈСА ушбу ташкилотга фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари соҳасидаги қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш ваколатини берган. Ўз директорлари ва Адлия вазирлиги (ва баъзида бошқалар ҳам) вакиллари билан ҳамкорликда лойиҳаларни ривожлантириш билан бирга, ушбу ташкилот ҳуқуқ соҳасида фаолият олиб борувчи мутахассислар ва бошқа давлатларнинг дастур иштирокчилари билан келгусида бу соҳани ривожлантириш учун хизмат қилувчи дўстона алоқаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида фикр алмашиб боради.

## ●● Вьетнам ҳуқуқ тизимини ривожлантириш

Япония биринчи марта 1996 йили Вьетнамда ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасини бошлаган. Ўшандан бери Япония 20 йилдан ортиқ мuddат давомида турли кўмак лойиҳаларини давом эттириб келмоқда. 2020 йилга мўлжалланган уйғун, амалий конунчилик ва конунчилиكنи бир хилда қўллаш лойиҳаси 2020 йилнинг декабрь ойининг охирида якунланди. 2021 йилнинг январидан 2025 йилнинг декабригача Япония томонидан Конунларни ишлаб чиқиш ва ижро этишда сифат ҳамда самарадорликни ошириш лойиҳасининг амалга оширилиши кутилмоқда.

## ●● Камбоджа ҳуқуқ тизимини ривожлантириш

Япония 1999 йилдан бери ҳуқуқий тизимни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда ва Камбоджанинг Фуқаролик кодекси ҳамда Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик ҳам қилган. Ҳуқуқ ва суд тизимини ривожлантириш лойиҳаси орқали (4-босқич) Япония томонидан 2017 йилнинг апрелидан 2022 йилнинг мартигача Ҳуқуқ ва суд тизимини ривожлантириш лойиҳаси (5-босқич) амалга оширилиши назарда тутилган.

## ●● Лаосда ҳуқуқ соҳаси ходимларини ўқитишни кучайтириш лойиҳаси

Япония 2003 йилдан бери ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Япония томонидан Ҳуқуқ соҳаси ходимларини ўқитишни кучайтириш лойиҳаси ва бошқа лойиҳаларни амалга оширилган ҳамда 2018 йилнинг июлидан 2023 йилнинг июлига қадар Лаос ХДР ҳуқуқ соҳасида қонун устуворлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лойиҳаси амалга оширилиши назарда тутилган.

## ●● Индонезия ҳуқуқ тизимини ривожлантириш

Япония 2007 йилда ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасини бошлаган. Ҳозирда Япония томонидан 2015 йилнинг декабридан 2021 йилнинг сентябригача Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси ва бизнес муҳитини яхшилаш учун ҳуқуқнинг бир хилда қўлланилиши бўйича лойиҳани амалга ошириши кутилмоқда.

## ●● Мьянма ҳуқуқ тизимини ривожлантириш

Япония 2013 йилдан бери ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини амалга ошириб келмоқда. Уларнинг дастлабгиси – Ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳаси 2018 йил май ойида ниҳоясига етган. Ҳозирда 2023 йил май ойига қадар Япония томонидан Мьянмада ҳуқуқ, суд ва тегишли соҳалар салоҳиятини ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилиши кутилмоқда.

## ●● Бошқа мамлакатлар учун тренинг

Юқоридаги давлатлардан ташқари, ҳуқуқ тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида Бангладеш, Шри-Ланка ва Ўзбекистонда тренинг олиб борилади. Фонд ЈСА ва Япония Адлия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ўқитиш ишларига кўмак беради.

# 2 Симпозиум, семинарлар ва ҳ.к.

Биз Япония ва Осиё мамлакатлари, жумладан, фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи соҳасида бизнинг кўмагимизни олаётган давлатларда суд, ҳуқуқ ва илм-фан соҳаларида фаолият юритувчи тегишли шахслар ўртасида ўзаро бир-бирини тушунишни яхшилаш мақсадида кўшма ҳомийликдаги очик симпозиумлар ва семинарларни ташкиллаштираимиз ва ўтказамиз.

## ●● Фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари бўйича Япония-Хитой семинари

Хар йили биз бозор иқтисодиётига ўтиш айна авжида бўлган Японияда ёки Хитойда семинарлар ўтказамиз. Бундай семинарлар Хитой тажрибасида фуқаролик ва тижорат ҳуқуқларига боғлиқ бўлган қўшимча соҳаларини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Бу семинар иштирокчиларини Хитой мутахассисларининг давлат ҳуқуқ тизими ислохотлари бўйича энг сўнгги ахборотлари билан таъминлаш билан биргаликда, Хитойлик мутахассисларга Япониянинг ҳуқуқ тизими ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишларига ёрдам беради.



Фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари бўйича Япония-Хитой семинари, 2019 йил ноябрда ўтказилган (Токио)

## ●● Осиё ва Океания давлатлари ҳуқуқ тизими бўйича симпозиумлар

Биз Осиё ва Океания давлатлари олимлари, ҳуқуқшунослари ва тadbirkorлари иштирокида фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари соҳасида симпозиумлар ўтказамиз. Бу симпозиумларда Осиё ва Океания давлатлари ҳуқуқ тизимида ўтказилган тadbirkorлар натижаларини эълон қилиб борамиз.

## ●● Халқаро фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи бўйича Каназавадаги семинар

Биз Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида бизнес ҳуқуқига оид маълумотларни алмашиш, шунингдек, бизнес ва иқтисодий ҳуқуқ соҳаларини ривожлантириш бўйича ёрдамга бўлган эҳтиёж ҳамда юқорида тилга олинган минтақалардаги донорлар ўртасида ҳамкорлик имкониятлари ҳақида фикрлар ва маълумотларни алмашиш мақсадида Япония ва хорижий мамлакатлардан экспертларни таклиф этган ҳолда семинарлар ўтказамиз. 2019 бюджет йилида Япониянинг Каназава шаҳрида «Жануби-Шарқий Осиё – корхоналар бизнесини кенгайтиришнинг жорий ҳолатидан» мавзусида семинар ўтказдик.

## ●● Симпозиумлар, семинарлар ва бошқалар

Биз Япония ва муайян давлатларда тегишли ташкилотлар ва шахслар, жумладан, шу давлатлардаги экспертлар кўмағида фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи соҳасида кизиқич уйғувчи мавзуларда симпозиумлар ва семинарлар ўтказамиз.

Бундай йирик симпозиум ва семинарлардан баъзилари Осиё бизнес ҳуқуқи форуми (ABLF) ва ушбу Фонд ҳомийлиги остида ўтказилган бўлиб, у 2019 бюджет йилида бошланган. ABLF 2019 бюджет йилида ташкил этилган ва ушбу Фонд унинг асосчиларидан бирidir. Унинг мақсади – Осиё ва Япония ўртасида, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамда авлодлар ўртасидаги учта кўприк вазиғасини бажариш, бизнес ҳуқуқидан тортиб инсон ҳуқуқларигача бўлган масалаларда Осиё конунчилиги бўйича билимлар билан бўлишиш ва инсонлар хилма-хил мавзуларда муҳокамалар олиб бориши учун макон (форум) билан таъминлашдир. 2020 йилда учта симпозиум ўтказилди, «Осиёда бизнес ва ҳуқуқ» мавзусидаги симпозиум ҳам шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, муайян давлатга дахлдор мана шундай анжуманлардан бири сифатида мўғулистонлик эксперт томонидан 2019 бюджет йилида «Мўғулистонда тижорий рўйхатдан ўтказиш тизими» номли маъруза унрашуви ўтказилган.

## 3 Изланиш ва тадқиқотлар

Биз Осиё мамлакатларида фукаролик ва тижорат ҳуқуқи соҳаларидаги муайян мавзулар бўйича тадқиқотларга ҳамда бизнес ва инсон ҳуқуқлари соҳаларига оид материалларни тўшлаймиз ва эълон қиламиз.

### ●● Осиё ва Океания давлатларидаги ҳуқуқ тизимларига оид тадқиқотлар

Япониянинг Кансаи худудидаги асосан олимлар, ҳуқуқшунослар ва тadbиркорлар ёрдамида тадқиқот гуруҳлари шакллантирилди ҳамда ҳозирга қадар Осиё ва Океания давлатларидаги Банкротлик, Хавфсизлик қонунчилиги, Маъмурий низолатни ҳал этиш, Интеллектуал мулк ҳуқуқлари, Халқаро корпоратив ҳуқуқ, Акциядорлар арбитражи, Аудит тизими ва Корпоратив ахборотни тақсимлаш тизими каби турли ҳуқуқ тизими мавзуларида тадқиқотлар олиб борилди.

2018 бюджет йилдан бошлаб биз Вьетнам, Индонезия, Тайланд ва Малайзияда корпоратив ҳуқуқ иши амалиёти, жумладан, акциядорлик келишувлари, акциялар тизимлари ва EXIT бўйича уч йиллик тадқиқотни амалга ошириб келмоқдамиз.

### Нашр этилган тадқиқот натижалари

1. Осиё ва Океания давлатларида Тўловга покбиллик қонунчилиги
2. Осиё ва Океания давлатларида Корпоратив банкротлик ва хавфсизлик тўғрисидаги қонунлар
3. Осиё ва Океания давлатларида муқобил усулларда низолатни ҳал этишнинг бугуни ва эртаси
4. Осиё давлатларида интеллектуал мулк ҳуқуқлари ижроси
5. Осиё давлатларида Япониянинг халқаро қўшиб олиш ва бирлашишлар бўйича тажрибаси
6. Осиёда акциядорлар арбитражи тизими ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг жорий ҳолати
7. Осиёда аудит тизимининг жорий ҳолати ва истикболлари
8. Корпоратив ахборотни тақдим этишнинг жорий ҳолати ва истикболлари
9. Жануби-Шарқий Осиёдаги тўрт мамлакатда корпоратив бошқарув

### ●● Япония-Корея ҳамкорлигидаги қўшма тадқиқот

1999 йилдан буён Корея Олий судидан 5 нафар ҳамда Япониянинг Адлия вазирлигидан беш нафар аъзо асосан фукаролик ҳуқуқи маъмурий бошқарув тизими бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун уярашиб келмоқдалар. Аввал Сеулда сўнгра Токиода ўтказилган ҳар бир давлат мутахассислари иштирокидаги бир хафталик муҳокамалар ташкил этиш билан биргаликда ўқув семинари ва амалий ишларни таҳлил қилиш ҳам амалга оширилади.

### ●● Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича дастуруламал тамойиллар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан маъқулланган Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича дастуруламал тамойиллар ҳозирда бизнес ва инсон ҳуқуқлари борасида барча мамлакатлар ва компаниялар қўллашга интилаётган бизнес амалиётларининг глобал мезони сифатида халқаро ҳамжамиятга кириб бормоқда. Фонд кенг доирадаги томонлар, жумладан, Осиёнинг турли мамлакатларида бизнесни ривожлантираётган компанияларга мўлжалланган ахборот-тарғибор фаолиятини амалга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича олий Комиссар идораси (ОНСНН) томонидан ишлаб чиқилган «Шарҳлаш бўйича қўлланма»нинг «Компанияларнинг мажбуриятлари» бўлими таржимасини ўз веб-сайтида эълон қилади. Фонд компанияларнинг мажбуриятлари ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масалаларини шарҳлаш бўйича қўлланма ишлаб чиққан мазкур қўлланмани ҳам жамоатчилик учун эълон қилди.

### ●● Қонунчилик ривожланишини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қўшма тадқиқотлар

Қонунчиликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш доирасида Фонд Осиё мамлакатлари билан қўшма тадқиқотларда Япониянинг Адлия Вазирлиги билан ҳамкорлик қилмоқда. 2019 бюджет йилида Мўғулистон, Мьянма ва Шарқий Тимор давлатлари учун қўшма тадқиқотлар амалга оширилган.

## Ижтимоий алоқалар ва эълон қилинган материаллар

Фонд веб-сайтида (<https://www.icclc.or.jp>) қўллаб маълумотлар, жумладан, куйидагилар мавжуд:

- Фонднинг фаолияти ва молиявий ҳолати, жумладан, бошқарув кенгаши йиғилишлари ва маслаҳат кенгаши йиғилишлари, бизнес-режа ва бюджет лойиҳалари, бизнес-ҳисоботлар, молиявий натижалар ҳақидаги тафсилотларни «ICCLC» журналдан топасиз
- Семинарлар ва симпозиумлар каби материалларни «ICCLC ЯНГИЛИКЛАРИ» ахборот бюллетенидан топасиз
- Операциялар ва молиявий масалаларга оид материаллар
- Фонд ходимлари томонидан тақдим этилган мақолалар

### Янги аъзо бўлишни истаганлар учун

#### ■ ICCLC молиявий ҳолати

Асосий активлар	
25 та компаниядан ҳомийлик маблағлари	50 миллион иена
Операцион капитал	
Корпоратив аъзоларнинг йиллик бадаллари	73,53 миллион иена
JICA дан олинган даромадлар	52,63 миллион иена
	(2019 бюджет йили)

#### ■ Корпоратив аъзолар йиллик бадаллари

Ҳар бир аъзо учун бадал 200 000 иена бўлиб, ҳар бир ташкилотдан камидан битта аъзо бўлиши керак. Аъзо бўлиш бўйича саволлар бўлса, Котибиятта мурожаат қилинг.

#### ■ Давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи корпорация

ICCLC га бош вазир томонидан Давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи корпорация мақоми берилган.

Янгиланган руҳсатнома санаси: 2013 йил 18 март.

Рўйхатдан ўтиш санаси: 2013 йил 1 апрель



Раис

## Кенжи Мияхара (Kenji Miyahara)

Махсус маслахатчи  
Sumitomo корпорацияси

Мен 2003 йилнинг май ойида раислик лавозимини эгалладим. Япония ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ҳар бир жабҳада тобора яқинлашиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси сезиларли равишда ўсди. Фонд ҳуқуқий тизимлари такомиллаштириш, низоларни ҳал қилиш воситаларини яратиш каби қўллаб-қувватлаш лойиҳаларида ҳамда тегишли ташкилотлар, жумладан, Япония Адлия вазирлиги, JICA ва JETRO билан яқин ҳамкорликда Осиё мамлакатларида хусусий лавозимлардаги юридик кадрларнинг малакасини оширишда фаол иштирок этиш ва ҳамкорлик қилишда давом этади. Масалала алоқабор барча инсонларнинг янада яхшироқ англаши ва қўллаб-қувватловини юксак кадрлаймиз.




Президент

## Котаро Оно (Kotaro Ohno)

Ҳуқуқшунос  
Собиқ адлия вазири ўринбосари ва бош прокурор

Мен 2017 йилнинг июнь ойида президентлик лавозимини эгалладим. Тобора глобаллашиб бораётган дунёда инсонлар, товарлар ва маълумотлар алмашинуви жараёни янада тезроқ ва кенгроқ содир бўлмоқда. Уларнинг ҳаракати мислсиз даражада бойлиқлар яратган бўлиши билан бир қаторда, бу ҳаракат бойлар ва камбағаллар ўртасидаги минтақавий тафовутнинг кенгайиши, шунингдек, глобал атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлганини кўриш мумкин. Осиё мамлакатлари бир-бири билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилган ҳолда мувозанатли ривожланишга эришиши учун, умумий ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларини текширар эканмиз, низоларнинг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш функцияларини такомиллаштириш муҳимдир. Фонднинг мақсади – ахборот алмашинувига ҳисса қўшиш, қонунчилик ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва бунинг асосий шартлари сифатида инсон ресурсларини ўқитиш ҳамда малакасини оширишда фаол иштирок этишдир. Бу масалала алоқадор қўллаб-қувватловини юксак кадрлаймиз.



Гинза ва Нанбоку метро йўллари (Тамейке-санно бекати)  
9-чикиш йўли (Тамейке чорраҳаси) – пиёда 3 дақиқалик йўл

# ICCLC

## Халқаро фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи маркази фонди

Акасака тураржой биноси., Акасака 1-3-5, Минато-ку,  
Токио 107-0052, Япония  
Тел: 03-3505-0525 Факс: 03-3505-0833

Хиромаса Аоки (Hiromasa Aoki), Бош котиб  
Бош котиб ўринбосари: Коуичи Тогами (Kouichi Togami)

Э-почта: [icclc-sa@js5.so-net.ne.jp](mailto:icclc-sa@js5.so-net.ne.jp)  
Веб-сайт: <https://www.icclc.or.jp>



(2021 йил, февраль)